Куч — адолатда

2014 йил
20 июнь,
жума
№ 25 (486)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, халқимиз манфаатларини, айниқса, меҳнат ҳуқуқларини аниқ ва манзилли тарзда ҳимоялаш, бандликни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Зеро, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш юртимизда янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан биридир.





ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Бунинг моҳияти шундаки, аҳолининг барча, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлади. Бу амалда таъминланаётгани, яъни мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани ўз самараларини бераётир. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Хусусан, меҳнат бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

Бу борада мавжуд корхона ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиб, бўшаётган ёки яратилаётган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бунда барча ҳудудларда доимий равишда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётир.

Жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳам фуқаролар мурожаати алоҳида эътиборда. Иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар малакасига қараб ишга жойлаштирилмоқда. Фуқароларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлилигини кучайтириш мақсадида талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрлаш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Ана шундай чора-тадбирлар, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 227,9 мингта иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 137 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Янги ташкил этилган иш ўринларининг 145 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, 11,8 минг иш ўрни мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва реконструция қилиш, 50,4 минг иш ўрни касаначиликнинг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан, 2,9 минг иш ўрни иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан, 14,4 минг иш ўрни ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларида, жумладан, автомобиль ва темир йўллар қуриш, аҳоли истиқомат қилувчи масканларни ободонлаштириш ҳисобидан ташкил этилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун амалда кутилган самараларни бераётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Буни нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам якдиллик билан эътироф этишмоқда. Бунда, шубҳасиз, тизимнинг қонунчилик асослари яратилиб, изчиллик билан такомиллаштирилиб борилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Mamlakatimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

Инсонпарварлик ва бағрикенглик

изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсадидир

Ўтган йиллар давомида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги тубдан ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилгани, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Айтиш керакки, бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган ҳолларда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳамда кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имконига эга бўлди. Жорий этилган ушбу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Қуйидаги рақамлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2013 йилда бундай ҳолатларнинг 89 фоизи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилгани ҳам муҳим ютуқларимиздан, десак, айни ҳақиқат. Зеро, унга кўра, жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш кўринишидаги жазо тури чиқариб ташланди. Шуларга мос равишда Президентимизнинг ташаббуси билан 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан жиноятлар таснифи тубдан ўзгартирилди. Натижада оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнида бозор иқтисодиётининг асосларини, аввалambор, қонунчилик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва амалга жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Акциядорларнинг ҳуқуқлари

уларни ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллаштирилди

Маълумки, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида унга ўндан ортиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ўз навбатида, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2014 йил 7 майда янги таҳрирдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Шу ўринда қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга тўхталадиган бўлсак, унда илгари амалда бўлган акциядорлик жамиятларининг шакллари, яъни очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари деган тушунча чиқариб ташланди. Қонунда акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акцияларни очиқ ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш мумкинлиги белгиланди. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси инобатга олинган ҳолда киритилган ушбу ўзгартириш натижасида акциядорлик жамиятлари шаклларини сунъий равишда (очиқ ва ёпиқ) бўлиш чиқариб ташлангани барча акциядорлик жамиятлари учун бир хил талабларни бажариш имкониятини яратди.

Янги қонуннинг 17-моддасида акциядорлик жамияти устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги қатъий белгиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан биридир. Зотан, тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизни барқарор суратларда ривожлантириш, турмушимиз фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Зарарнинг суд тартибида ундирилиши

жабрланувчининг манфаатига хизмат қилади

Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати ҳимояси каби дахлсиз ҳуқуқлари миллий қонунчилигимизнинг асосини ташкил этади. Буларни амалда таъминлаш борасида юртимизда самарали механизм шакллантирилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳолларда бу зарар қонун йўли билан албатта, ундирилади. Шу маънода, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Зарар деганда, ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулкни, мулкий ҳуқуқ ҳажмининг камайишида ёки йўқотилишида юзага келадиган моддий зарар ёки номоддий неъмат, жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғининг шикастланиши ёинки ундан маҳрум бўлиши тушунилади. Шу сабабли зарар, моддий ёхуд жисмоний характер касб этади. Моддий зарар кўрган жабрланувчи жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин. Жисмоний зарар бўйича эса, жабрланувчи фақат фуқаро бўлиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида ҳуқуқнинг барча соҳалари қатори фуқаролик қонунчилиги ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилиб, фуқаролар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тўлиқ тартибга солинди.

Huquqiy ma`rifat

Гаровга қўйилган мулк

тарафларнинг манфаати ҳимоясига хизмат қилади

Чунончи, қарз, ижара, гаров сингари фуқаровий муносабатлар Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ўзининг тўлиқ ҳуқуқий ечимини топди. Биргина гаров билан боғлиқ муносабатлар хусусида тўхталадиган бўлсак, қарзни қайтариш эвазига гаров тариқасида қўйилган мулк мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mamlakatimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

Инсонпарварлик ва бағрикенглик

изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсадидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, Жиноят кодексига етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди ва бу инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойили амалда кутилган самарани бермоқда. Биргина мисол: озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони 2013 йилда 2000 йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун қабул қилинганидан буён жиноят оқибатида етказилган 412 миллиард сўмликдан ортиқ моддий зарарни қоплаган 26 мингдан зиёд шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида халқимизнинг табиати, феълига мос келадиган ярашув институти амалиётга жорий қилиндики, бу ҳам эътирофга лойиқ ютуқларимиздан ҳисобланади. Муҳими, халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларимизни ўзида мужассам этган ярашув институти амалда ўз самарасини бераяпти. Буни у жорий этилганидан буён ўтган давр ичида 138527 та иш бўйича 150346 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда юртимизда 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжудлиги ҳам ислоҳотларнинг яққол самарасидир.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниши эса нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Маълумот учун айтмоқчимизки, юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ҳамда терроризм жинояти учун тайинланади. Ушбу жазо хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди. Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланар экан.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан боғлиқ бир қатор ғоялар илгари сурилган бўлиб, бу борада ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Концепцияда қайд этилган қонун ижодкорлигидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. 2013 йил 4 январда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу Қонун билан республикамизда амалда бўлган бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодекси "Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлари, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди" деган таҳрирдаги меъёр билан тўлдирилди.

Мазкур меъёр, аввало, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқлари устуворлигини таъминласа, иккинчидан, тадбиркорни ўз фаолиятида таваккалчилик асосида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банк ҳамда молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Яна бир муҳим ютуғимиз — судланганлик ҳолати институти тубдан ислоҳ этилгани бўлди. Судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибати бекор қилинганини инобатга олсак, жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жазони ўтаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун кенг имконият яратилгани ўз-ўзидан аён бўлади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ютуқларимиз фақат шулардангина иборат эмас. Уларнинг кўлами ва аҳамияти ниҳоятда кенг. Шу ўринда амнистия актини қўллаш истиқлолнинг илк йилидан бошлаб йўлга қўйилгани ва муҳими, у ҳар йили амалиётга изчил татбиқ этиб келинаётганлигини мамнуният билан айтиш мумкин. Кечагидек ёдимизда. Бу борада ҳам Президентимиз ташаббускор бўлгандилар. Аниқ айтадиган бўлсак, у кишининг **"...жиноий нуқтаи назардан олиб қараганда, жазо бериш мумкин, қамаш мумкин, лекин бу жазо билан биз нимага эришамиз? Мен мана шу жиноятчиларнинг оилалари, болаларига кўп куйинаман, отасиз ё онасиз болаларнинг ҳаёти, турмуши, тарбияси қандай бўлади. Қамалган одамнинг болалари бошини кўтариб юролмайди, эндиги вояга етаётган болалар, айниқса, кўпроқ эзилади. Аёллари изтироб чекади ва ҳоказо"**, деган сўзлари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Айтиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилига қатъий амал қилиб келаётган мустақил мамлакатимизда ҳар йили муҳим саналар муносабати билан инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, кечиримлилик каби халқимиз менталитетига хос эзгу фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида эълон қилинаётган амнистия акти билиб-билмай биринчи марта жиноят содир этган шахсларга, аввало, аёлларга, кексаларга, ногиронларга ва вояга етмаганларга, хорижий мамлакатларнинг фуқароларига нисбатан қўлланилиб, озодликдан маҳрум қилишдек оғир жазо чораларини қўлламаслик, уларни тамомила жазодан озод этишга қаратилган жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати юритиб келинмоқда.

Амнистия акти давлат раҳбари тақдимномасига мувофиқ, қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, мазмун жиҳатидан у давлатнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлламаган ҳолда, уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият ёки жазо чоралари қўлланилган шахслар учун жиддий енгиллик беришга қаратилган инсонпарварлик сиёсатидир.

Бинобарин, ҳар йили Конституциямизнинг 93-моддаси 23-банди ва 80-моддасининг 10-банди нормалари асосида қабул қилинаётган давлат ҳуқуқий кўринишларидан бири — амнистия акти асосида жазодан озод қилиш, маҳкумларни озодликка чиқариш ва оиласи бағрига қайтариш, балки уларнинг соғлиғи, турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ишга жойлаштириш каби чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси мамлакатимизда қонунчилик ҳамда суд ҳокимияти тизимида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган изчил демократик ислоҳотлар олиб борилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 23 йил мобайнида 24 марта амнистия акти эълон қилинди. Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган биринчи амнистия бағри кенг халқимиз ҳаётида энг унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад — фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган оилани ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Шу ўринда ушбу инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсати ҳаётда билиб-билмай жиноий ишга қўл урган, айни вақтда қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган кўплаб ҳамюртларимиз тақдирида муҳим бурилиш ясаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, 2012 йилда эълон қилинган амнистия акти жами 64659 нафар шахсга нисбатан татбиқ қилинган. Шундан 22193 нафар шахс жазодан озод қилинган, 18285 нафар шахсга нисбатан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган, 24181 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилган.

Шунингдек, 2013 йилда эълон қилинган амнистия акти қарийб 70000 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилди. Шундан 3237 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиқарилди.

Амнистия актини қўллашда айрим ҳолларда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда, келгусида бундай камчиликларга барҳам бериш, амнистия акти тўғри ва ўз вақтида бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2006 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Пленум қарорида амнистия актини қўллашда, айниқса, суриштирув, тергов органлари ва судлар учун аҳамиятли бўлган қатор масалалар бўйича тушунтиришлар берилди.

Бу қарорнинг биринчи бандида судларнинг асосий эътибори амнистия акти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси бўлиб, бундан кўзланган мақсад бу шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришдан иборат эканига қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги Фармонига асосан, 2007 йил 11 июлда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун амнистия актини судга қадар иш юритиш ва жиноий жазоларни ижро этиш босқичида судлар томонидан қўллаш тартиби янги механизмини процессуал жиҳатдан мустаҳкамлади. 2008 йил 23 декабрда кучга кирган "Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини босқичма-босқич судларга ўтказиш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши, нафақат инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси самарадорлигини ошириш, балки суд мустақиллигини таъминлашга, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, бурчга бўлган садоқат ва масъулиятини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли дастур бўлди, десак, сира муболаға эмас. Унга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасига киритилган қўшимча билан судларга прокурорнинг амнистия актига асосан, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш ваколати берилди.

Эндиликда жиноят ишини амнистия акти асосида тугатишнинг суд тартиби жорий этилиши муносабати билан Жиноят-процессуал кодексининг 372-моддасида кўрсатилган дастлабки терговни тамомлаш турлари қаторига дастлабки тергов тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёки амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомлаш тартиби қўшилди. Яна бир муҳим жиҳат, мазкур Қонунга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодекси мутлақо янгича тартиб-тамойилларни ўз ичига олган беш моддадан иборат — "Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш" номли 63-боб билан тўлдирилди. Бу билан терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби, амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масаланинг прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби, суд мажлиси, суд ажрими каби процессуал жараёнларга тегишли бўлган тартиб-қоидалар янада аниқлаштирилди.

Мазкур Қонун билан амнистия актини қўллаш жиноят процессида холис орган, яъни судлар ваколатига ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашдаги айрим масалалар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрда қабул қилинган "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг янги тартиб-тамойилларга жавоб бермай қўйган айрим бандларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни амнистия актини қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Эълон қилинган барча амнистия актларининг 1-бандига эътибор қаратсак, унда айрим чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари жазодан озод этилиши назарда тутилган.

Оилада хотин-қизларнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Аёлларнинг рўзғордаги вазифаларини, аввало, уларнинг саранжом-саришталиги, айниқса, оналик бурчи ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Шу боис ҳам барча амнистия актларида жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарган хотин-қизларнинг, биринчи навбатда, ўз оиласи бағрига қайтарилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жиноят содир этганда 18 ёшга тўлмаган ёшларга нисбатан ҳам мурувват кўрсатилиб, жазодан озод этилмоқда. Зеро, колониядаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир у ёшларни тарбиялаш ўчоғи эмас. Дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган бир пайтда уларни озодликдан маҳрум қилиш билан мақсадга эришиш қийин. Ёшларни, озодликдан маҳрум этиш ўрнига аниқ мақсадга қаратилган дастур асосида қонунларга ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, менталитетимизга зарарли бўлган таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган инсон қилиб тарбиялаш айни заруратдир. Бунга, албатта, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлиги билан эмас, балки қонунбузар ёшларга жиноятга жазонинг муқаррарлигини тушунтириш билан ҳам эришиш мумкин.

Шунингдек, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, бугун болалари ва набираларига тўғрилик ва ҳалоллик, иймон-эътиқод, Ватанга ва ўз халқига муносиб фарзанд бўлиш ҳақида панду насиҳат қиладиган ёшдаги, соч-соқоли оқарган 60 ёшга тўлган эркакларга ҳам амнистия актининг биринчи бандида кўрсатилган меҳр-мурувват, кечиримлилик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар татбиқ этилаётгани айни муддаодир.

Бундан ташқари, ҳар бир амнистия актида биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганидан кўпчиликнинг яхши хабари бор. Амнистия актининг бошқа бандларида ҳам бағрикенгликнинг яққол ифодаси сифатида озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг ўталмай қолган муддатининг маълум қисми қисқартирилиши ёки жазодан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Амнистия акти ижросини ва очиқ-ошкоралиқни таъминлаш мақсадида жойларда ташкил этилган комиссиялар фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Суд идоралари, прокуратура, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш органлари ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олиниб, биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинганлар махсус даволаш муассасаларига, ёлғиз шахслар эса ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилаяпти. Вояга етмаганлар ота-оналари ёки васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилаётир, зарур ҳолларда улар тегишли таълим муассасасига юборилмоқда.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 17 июнь сонидан олинди)

Yangi qonun mohiyati

Акциядорларнинг ҳуқуқлари

уларни ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, қонундаги муҳим янгиликлардан бири унинг 26-моддасида акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозимлиги ҳақидаги қоиданинг белгиланганлиги ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу қонунда акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари доираси кенгайтирилди. Хусусан, қонуннинг 59-моддасида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига жамият кузатув кенгашидан ташқари миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш кабилар киради белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 75-моддасида эса, акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ваколат доирасига аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш, агар бу жамият уставига кўра, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса, жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш сингари масалаларни киради мустаҳкамланди.

Бундан ташқари қонуннинг 78-моддасида акциядорлик жамияти кузатув кенгаши йиғилишларида қабул қилинган қарорларнинг тезкор ижро этилишини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги маълумотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда чоп этилишини таъминлаш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкинлиги мустаҳкамланди. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилиши, кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилиши ҳақидаги қоида белгиланди.

Қонунда, концепциядан келиб чиқиб, миноритар акциядорларнинг кафолатларини таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилиши муҳим янгиликларидан бири бўлди.

Айтиш жоизки, миноритар акциядорлар институти қонунчилигимиздаги янги институтлардан бири ҳисобланади. Ушбу институтни қонунга киритишда АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Хитой сингари ривожланган давлатларнинг акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинди.

Юридик адабиётларда миноритар акциядор деганда, акциядорлик жамиятининг жамиятни бевосита бошқариш ҳуқуқини бермайдиган кам сонли акцияга эга бўлган акциядорлари тушунилиши қайд этилган.

Ўз навбатида, ана шундай кам сонли акцияга эга бўлган миноритар акциядорнинг жамиятни бошқаришда иштирок этмаслиги келгусида унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, қонун миноритар акциядорлар қўмитасига бағишланган 82-модда билан тўлдирилди. Унга биноан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкинлиги, миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилиши белгиланди.

Шу билан бирга, миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидаги масалалар киритилди: акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш; миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш; қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш; қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шундаки, юқорида қайд этилган моддада миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгаши ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Акциядорлик жамиятига акциядорлар ва салоҳиятли бошқа инвесторларни жалб этишнинг энг мақсадга мувофиқ усули бу — барчага акциядорлик жамияти фаолияти ва унга доир маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш ҳисобланади. Бунда эса, акциядорлик жамиятларининг махсус интернет веб-сайтини ташкил этиш ва унга жамият фаолиятига доир маълумотларни жойлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Акциядорлик жамияти фаолияти шаффофлигини таъминлаш, акциядорлар ва потенциал инвесторлар акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олишига кенг имконият яратиш мақсадида мазкур қонун билан акциядорлик жамиятлари зиммасига тегишли маълумотларни веб-сайтда чоп этиш мажбурийлигини кўзда тутувчи нормалар киритилди.

Жумладан, қонуннинг 55-моддасида жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиши белгиланди. Бундан ташқари қонуннинг 62-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, шунингдек, акциядорларга электрон почта орқали юборилиши мустаҳкамланди.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида акциядорлик жамияти фаолияти ошкоралигини таъминлаш орқали акциядорлик жамиятларига қўшимча акциядорлар ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилишга имкон яратилди. Акцияларга доир қонун нормаларини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда миллий қимматли қоғозлар бозори янада ривожланади. Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг жамият бошқарувида бевосита иштирок этиш йўли билан акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолияти шаффофлиги таъминланади. Кам сонли акция эгаларига акциядорлик жамиятини бевосита бошқариш ҳуқуқи берилиши бундай акциядорлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўл очади. Акциядорлик жамиятлари бошқарув ва назорат органларининг акциядорлар олдидаги масъулият ҳамда жавобгарлиги янада оширилди. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятларига оид миллий қонун ҳужжатларининг янада такомиллашувига замин яратди.

Улуғбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, суғурта товонини олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Ж.ЁҚУБОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани

— "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига асосан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига мурожаат этади:

- иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси;

- ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг кўчирма нусхаси;

- суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

- касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

— Турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, 7 ёшли қизимни қайнонам олиб қўйди, энди қизим билан кўришишга ҳам рухсат бермаяпти. Айтинг-чи, қайнонам мени оталик ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлими? Мен қизимни ўз тарбиямга олишим учун қаерга ва кимга мурожаат қилишим мумкин?

У.РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани



— Ҳа, ҳаётда шунга ўхшаш воқеалар ҳам учраб туради. Аслида буларнинг бари қонун талабини билмаслик оқибатида келиб чиқади. Негаки, қайнонангиз болани ўз отасидан ажратиб олишга ҳақли эмас. Чунки амалдаги Оила кодексининг 78-моддасига кўра, ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 80-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби белгиланган. Унга кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)-нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Демак, Сиз қизингизни ўз тарбиянгизга олиш учун тегишли тартибда судга мурожаат қилишингиз лозим.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Fuqarolik qonunchiligi

Зарарнинг суд тартибида ундирилиши

жабрланувчининг манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонун талабига кўра, зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланади. Айни пайтда қонунда етказган шахсга зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсга эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиши шарт бўлган шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни қўллаш асоси сифатида зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши шарт. Зарар етказувчи айбининг шакли қонун ҳужжатларида бевосита белгилаб қўйилган ҳоллардагина ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Қолган ҳолатларда, яъни қасд ёки эҳтиётсизликдан қатъи назар, қилмиш тўлақонли айб асосида содир қилинган, деб топилади.

Зарар етказган шахс, агар у бунда ўзининг айби йўқлигини исботлай олса, яъни форс-мажор ҳолатлари рўй берган ёхуд учинчи шахсларнинг айби мавжуд бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Фуқаролик кодексининг 333-моддасида (мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик) ҳам айбсизликни исботлаш зарар етказган шахс зиммасига юкланиши белгилаб қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 20 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 2-бандига асосан, маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарарни етказувчи шахснинг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан тўланиши лозим, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, қопланади. Ушбу кодекснинг 1022-моддаси талабига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, етказилган зарарнинг суд тартибида ундирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этиш имконини бермоқда.

Хусан МУЛЛАЖАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Таваккалчиликка асосланган ўйинлар

уни қонунга хилоф тарзда ташкил этиш жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда халқимизнинг маънавий, маърифий ва маданий тафаккурини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида самарали ишлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Зотан, юксак маънавият ва маданиятга эга бўлган инсон ҳеч қачон ножоиз қилмишларга қўл урмайди, аксинча, юртимиз равнақи йўлида хайрли ва эзгу ишларни амалга оширишни ўзининг фуқаровий бурчи, деб билади.

Суд очерки

Бироқ ҳаётда калта ўй, тараллабедод кун кечиришни ўзига раво кўрадиган айрим кимсаларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Бундай тоифага мансуб шахслар таваккалчиликка асосланган бемаъни ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва уларда бевосита иштирок этиш орқали мулкий наф кўришга уринади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, бир қатор давлат органлари зиммасига яширин қимор ўйинлари ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш учун қиморхоналарни ушлаб туриш ҳаракатларининг қатъий олдини олиш ва уларга чек қўйиш, шунингдек, ушбу ўйинлар ташкилотчиларининг ноқонуний фаолиятини туғатиш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш вазифаси юклатилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи қонунларда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва текширув ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ҳозирги кунда соҳа вакиллари фаолияти фақат солиқ идоралари томонидан текширилади. Уларга нисбатан жавобгарлик чоралари эса, фақат суд орқали тайинланади.

Шу ўринда суд амалиётига эътибор қаратсак, "Файз" фермер хўжалиги судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мулкни ўзганинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ва етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраган. Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, дала шийпони ва иншоотлари бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат бўлмаса-да, жавобгарлар томонидан қонунсиз эгаллаб олинган. Суднинг ҳал қилув қарори билан мулк ҳақиқий эгасига қайтарилди.

Дарҳақиқат, қонун ҳужжатларига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақли.

Яна амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, туман ҳокимлиги "Донёрбек" фермер хўжалигидан ер участкасини олишда қонунбузилишига йўл қўйгани учун фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Ер участкаси фермер хўжалигига қайтариб олиб берилган.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъекти ҳисобланган фермер хўжалигидан ер участкаси ёки унинг бир қисмини қонунга зид тарзда олиб қўйиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, ер участкасини ёки унинг бир қисмини олиб қўйишга ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига кўра, тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ушбу қонунда белгиланишича, тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишларига кўра, бўйсунув тартиби асосида юқори органлар ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги юзасидан давлат органлари ва бошқа органларнинг қарори, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектининг ўз ҳуқуқларини тез ва самарали ҳимоя қилишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар манфаатлари кафолатлари қонунчилигимизда ўзига хос ўрин тутиши билан бирга уларнинг амалда таъминланиши давлатимиз ва жамиятимизнинг алоҳида эътиборида. Зеро, тадбиркорлар юртимиз таянчи, турмушимиз фаровонлигининг ҳал қилувчи кучига айланган.

Жўрабек КАРАБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси

Инсон манфаатлари – доимий муҳофазада

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳудудлар кесимида энг кўп иш ўрни Фарғона (22,1 минг иш ўрни), Самарқанд (20,1 минг), Қашқадарё (20,4 минг), Андижон (19,1 минг), Тошкент (19,4 минг) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (20,8 минг) ташкил этилди. Энг муҳими, бунинг натижасида аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошди, яъни мамлакат бўйича умумий ҳисобда иш ҳақи 18,7 фоиз, пенсиялар ўртача ҳажми 19,3 фоизга ўсди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам тарзда ўтказилиб, уларда қатнашган 11,3 минг нафардан ортиқ фуқарога ишга жойлашишга йўлланмалар берилди. Айни пайтда таълим муассасалари битирувчилари учун иш ўринларини банд этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2014 йилнинг март ойи ҳолатига кўра, 501,4 минг нафар коллеж битирувчисидан қарийб 440 минг нафарининг бандлиги таъминланди. 12,7 минг нафар битирувчини ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали шакллари ҳисобланади. Ушбу соҳаларда ҳам кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларда асосан аёллар, кўп болали оналар ва ногиронларнинг меҳнат фаолияти таъминлангани бунинг далилидир. Шу боис мазкур соҳаларни, хусусан, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш мақсадида Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасидан доимий равишда имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги миллий қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда янгидан-янги иш ўринларини барпо этиш, аҳолининг банд бўлмаган қисми, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, улар учун муносиб, мақбул ва қулай шароитни яратиш, меҳнат бозорига оид кўрсаткичларни мунтазам тарзда таҳлил этиб бориш юзасидан изчил ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш, инвестиция, маҳаллийлаштиришга оид мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг мустаҳкамлиги ва бошқа муҳим омиллар иш ўринлари кўпайиши учун қулай шароит яратаётир.

Бу борадаги ишларнинг Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида қандай бажарилаётгани парламентимиз томонидан ўрганилганда, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 2014 йилнинг биринчи чорагида 16 мингга яқин иш ўрни ташкил этилган. Вилоятда ишлаб чиқилган дастурга биноан бу кўрсаткич йил охиригача 66 минг 100 тага етказилади. Аёллар ва ёшлар эҳтиёжларини эътиборга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро вилоятида жорий йилнинг январь-март ойларида 16 минг 960 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 18 минг 415 тани ташкил қилган. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон манфаатларини муҳофазалаш ишлари нафақат уларни иш билан таъминлаш ёки ижтимоий ҳимоялаш, балки бугунги кун талабларига жавоб берадиган шарт-шароит яратишни ҳам қамраб олмоқда. Хусусан, намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қуриш ҳамда янги қишлоқ массивларини замонавий ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш дастури изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилда 11 мингта янги шинам уйларни қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга доир чоралар кўрилди. Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида 1884 минг квадрат метр (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 1353,6 минг квадрат метр уй-жой (106,1 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Буларнинг барчаси аҳоли бандлиги ва даромадларининг муттасил ошишига, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалда таъминланишига, муҳими, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

G'aroyib olam

Маълумки, бугунги кунда инсон ҳаётини рекламасиз тасаввур этиш анча мушкул. Зеро, радио-телевидение ёки газета-журналлар саҳифларида янги маҳсулотлардан тортиб, хизмат турлари тўғрисида бир-биридан ранг-баранг рекламалар бериб борилмоқда.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматининг жадал ривож топиши табиий ҳол ҳисобланади. Қуйида биз реклама хизматининг пайдо бўлиш тарихи, бу борадаги ғаройиб воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Тарихдан маълумки, 1440 йилга қадар, яъни нашр этиш ускуналари ихтиро этилмасдан илгари реклама фақат эълонлар кўринишида бўлган, холос. Биринчи пуллик хабар 1704 йил АҚШда "Boston News Letter" газетасида чоп этилган бўлиб, унда Бостон шаҳри яқинидаги сотиладиган уй-жойлардан бири ҳақида маълумот берилган.

Бундан ташқари илк реклама тахтаси қачон яратилгани ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Айтиш керакки, реклама тахтаси 1900 йил АҚШда яратилган бўлиб, ўша йили билбордларни кўчалар бўйлаб қаторасига ўрнатиш услуби ҳам жорий этилган. Биринчи телевидение рекламаси эса, 1941 йил 1 июлда АҚШда телеканаллар орқали эфирга узатилган. Маълумки, ўшанда 20 сония давомида соат миллари 10 дан 10 дақиқа ўтгандек қилиб кўрсатилган "Brilov" маркали соат реклама қилинган. Бу инсон табассумининг рамзий кўриниши бўлиб, руҳшуносларнинг фикрича, бундай реклама ролигини томоша қилган одамнинг кайфияти ўз-ўзидан кўтарилар экан.

Реклама тарихи ҳақида фикр юритганда, яна бир қизиқ ҳолат эътиборни тортади. Гап шундаки, дунёда рекламага қаттиқ рўжу қўйган кимсалар ҳам бор экан. Мисол учун АҚШнинг Жоржия штатидаги "Мэйконе" шаҳрида жойлашган кийим-кечак дўкони мунтазам реклама бериб борувчи энг "кекса" мижоз ҳисобланади. У 1889 йилдан, бошқача айтганда, 125 йилдан буён маҳаллий "Мэйкон телеграф" газетасида 34700 марта реклама ва эълонларини чоп эттирган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, реклама дунёда энг катта таъсир кучига эга бўлган санъат тури ҳисобланади. Шу боис ҳар йили дунё миқёсида реклама учун 500 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланмоқда.

Хусусан, 1938 йил радиодаги рекламадан олинадиган фойда босма маҳсулотлардаги рекламадан олинган фойдадан ошиб кетган. Босма нашрлар тарихидаги энг қиммат реклама эълони 1989 йил АҚШнинг "Тайм" журналида босиб чиқарилган бўлиб, "А4" ҳажмдаги эълоннинг нархи 3,8 миллион долларни ташкил этган. Мазкур реклама машҳур мультфильм қаҳрамони "Микки Моус"нинг 60 йиллик тўйи муносабати билан "Уолт Дисней" компанияси томонидан эълон қилинган.

2000 йил АҚШ компаниялари-нинг интернет-реклама учун йўналтирилган харажатлари 8,1 миллиард долларни ташкил этган эди. 2013 йилда эса, бу кўрсаткич 42 миллиард доллардан ошган. 2013 йилда газли ичимликлар ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларининг рекламаси учун 43 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлаган. Айни пайтда табиий маҳсулот — сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг рекламага йўллаган маблағи атиги 2 миллиард доллар атрофида бўлган.

Нью-Йорк университети олимларининг қайд этишича, АҚШдаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларининг рекламаси учун бу борадаги илмий тадқиқотларга қараганда, нақ икки баробар кўп миқдордаги маблағ сарфлайди. Албатта, бу маблағ изсиз кетмайди. Аксинча, кутилганидек фойда олишга имкон яратади.

Энг қиммат реклама хабарлари ҳақида гап кетганда аввало 2013 йил АҚШда футбол бўйича ўтказилган финал ўйини давомида намойиш этилган реклама ролиги тилга олинади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки ушбу реклама ролигининг ҳар 30 лаҳзаси 3 миллион доллардан ортиқ маблағни ташкил этган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аксарият рекламаларда қўшиқлардан кенг фойдаланилади. АҚШнинг "Майкрософт" компанияси "Windows-95" амалиёт системасининг реклама ролигида ишлатилган "Start Me Up" қўшиғи учун "Rolling Stones" мусиқа гуруҳига 9 миллион доллар миқдорида пул тўлаган.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, ҳаётда реклама хабарларини унчалик хуш кўрмайдиганлар ҳам топилади. Бу тоифа инсонлар учун Японияда махсус телевизор ихтиро қилинган. Аникроқ айтганда, бу телевизор реклама хабари бошланиши билан автоматик тарзда ўчиб қолади ва реклама тугаши билан яна ишлаб кетади.

Дунёдаги энг катта чироқли реклама эса, Гонконгда 5033 квадрат метрга тенг майдонда жойлашган бўлиб, у 800.000 дона лампочкани ўз бағрига олган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рекламада қўлланилувчи услублардан бири — бу реклама қилинаётган маҳсулотни истеъмолчида қизиқиш уйғотадиган нарсалар қуршовида кўрсатишдир. Масалан, кир ювиш кукунини реклама қилиш чоғида уни, аксарият ҳолларда, болалар, гуллар, қуёш нури ва ҳоказо ёркин образлар билан бойитиш юқори самара бериши исботланган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Huquqiy ma`rifat

Гаровга қўйилган мулк

тарафларнинг манфаати ҳимоясига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аниқроқ айтганда, қарз олувчи ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, қарз берувчининг манфаатлари гаровга қўйилган мол-мулк эвазига тўлиқ ҳимоя қилинади. **"Гаров тўғрисида"**ги қонунда белгилаб қўйилганидек, ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбурият, яъни заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин. Мажбурият пул бирликларида (миллий валюта ёки чет эл валютасида) ифодаланган бўлиши лозим.



Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Ўз навбатида, турар жойни гаровга қўйиш учун унда истиқомат қилувчи барча оила аъзоларининг ёзма равишдаги розилиги талаб этилади.

Нотариус томонлар ўртасидаги гаров шартномасини тасдиқлар экан, қонунга биноан, кредиторнинг ҳуқуқи юридик жиҳатдан ҳимоя қилиниши хусусида қайғуриши шарт. Гаровга қўйилган мулкни бошқага ўтказиш муқаррар равишда тақиқланади, у вақтинча олди-сотди, алмаштириш, ҳадя ва гаровга олувчининг розилигисиз ижара предмети бўла олмайди.

Томонлар ўртасидаги шартномани расмийлаштираётганда мол-мулкни гаровга қўйиш йўли билан олинган қарзнинг қайтарилишини суғурта полисисиз тўлиқ кафолатлаб бўлмаслигини уларга тушунтириш, айниқса, муҳим. Негаки, гаровга қўйилган уй, квартира, автомашина ва бошқалар эгасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда — табиий офат, авария-ёнғин, ўғирлик ва ҳоказолар оқибатида шикастланиши мумкин. Бундай вазиятда қарзга берилган маблағларни кредиторга қайтариш масаласи юзага келади. Шу боисдан ҳам бундай битимни тасдиқловчи ҳар бир нотариус қарз олувчидан юқорида айтилган ҳужжатларга қўшимча равишда гаровга қўйилган мол-мулкнинг суғурта шартномаси ва суғурта полисини ҳам талаб қилади.

Суғурта полисини олиш учун тегишли суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш лозим. Суғурта бадалларининг миқдори бевосита гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳажмига қараб белгиланади.

Агар нотариус гаров шартномасини тасдиқламоқчи бўлса, гаров ҳақидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг барча талабларини ва албатта, тарафлардан бири шартнома шартларини бузса, уларнинг келишуви қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини томонларга тушунтириши лозим.

Томонлар зиммасидаги мажбуриятини тўлиқ бажарганидан сўнг қарз берувчи иккинчи тарафга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини нотариусга ёзма равишда маълум қилади. Айни вақтда гаровга қўйилган мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш чораси бекор қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлибгина қолмай, у қарз берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Н.ПАНЖАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг судьяси

Jinoyatga jazo muqarrar

Таваккалчиликка асосланган ўйинлар

уни қонунга хилоф тарзда ташкил этиш жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг аввалги эски таҳриридаги 191-моддаси (Қимор ўйнаш)да фақат белгиланган тартибни бузиб пул, ашё ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнаш учун жавобгарлик белгиланган бўлса, янги таҳрирдаги 191-модда "Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказиш" деб номланиб, унда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этишдан ташқари, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида содир этганлик, вояга етмаган шахсларни бундай ўйинларга жалб қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Умид Асадов (исм-шарифлар шартли) ўзи фаолият юритадиган қоровулхонада қиморхона ташкил қилгани ва танишлари билан таваккалчиликка асосланган қимор ўйинини ўтказаётгани аниқланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир чоғида қимор ўйини анжомлари ашёвий далил тариқасида олинди. Суд мажлисида судланувчининг қиморхона ташкил этганликдаги

Суд очерки

айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди. Суд У.Асадовни Жиноят кодексининг 278-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор, деб топди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ўз оиласига, жамиятга наф келтириш ўрнига турли бўлмағур ўйинларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, куч ва имкониятларимизни жамият ва халқимиз учун наф келтирадиган хайрли ва эзгу ишларни амалга оширишга сарф этиб, эл ҳурматига сазовор бўлиш минг чандон афзал эканини асло унутмайлик.

Шукурулло ИНОҒАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Шоюнус ГАЗИЕВ, Кўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-625. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7286.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21³⁰ Топширилди: 22⁰⁰